



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 2 февраль, № 22 (6457) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

БИЗ ВА ЖАҲОН



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисидаги маълумот БМТ Бош Ассамблеяси 70-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

БМТ Бош Ассамблеяси 70-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Унда маълум қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, 2015 йилдаги иқтисодий дастурни изчил ҳаётга татбиқ этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар бериш, чуқур тизимли ўзгаришларни амалга ошириш натижасида иқтисодийнинг барқарор ўсиш суръатлари ва унинг макроиқтисодий муносиблигини таъминлашга эришилганига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳужжатда халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми

рейтингга кўра, Ўзбекистон 2014 — 2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016 — 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани эътироф этилган. Республикада мулкчилик тизимини тубдан ўзгартириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, корпоратив бошқарувнинг тамойил ва ёндашувларини ўзгартириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилган, барча акциядорлик жамиятида бошқарувнинг замонавий услублари қўлланилаётгани мазкур ҳужжатда алоҳида таъкидланган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон ёшлари:

КЕЛАЖАК БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларни юксак маънавиятли, зукко, билимдон, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир авлод сифатида вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Бундан оқилна фойдаланаётган эртаимиз эгалари ўз истъод ва салоҳиятини тўла намойён этиб, ҳамма соҳада юксак натижаларни қўлга киритишмоқда.

Бинобарин, мустақилликка эришиш оstonасида Юртбошимиз янги давлат ва жамиятни барпо этиш билан боғлиқ кун тартибидagi энг муҳим масалалардан бири сифатида ёшларга оид сиёсат ҳамда уни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш вазифасини кўйгани бежиз эмас. Уша пайтда бунга объектив эҳтиёж ва зарурат бор эди. Утган асрнинг — 90-йилларида 20 миллиондан ортиқ Ўзбекистон халқининг қарийб 43 фоизини болалар ташкил қилган. Бугунги кунда эса мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёди ёшлардан иборат.

Ёшлар бунёдкорлик салоҳиятига эга бебаҳо ресурсдир. Аммо мазкур салмоқли қатлам юрт тақдири ва келажагини ҳал қилувчи катта кучга айланиши учун давлат, давтавал, уларни ижтимоий,



Истиқлол йилларида ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол вояга етиши учун мустақкам қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, 22 та қонун, Президентимизнинг 26 та Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 қарори, 30 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Берлинда Ўзбекистон маҳсулотлари экспорти бўйича шартномалар имзоланди

Ўзбекистон Германия пойтахтида бўлиб ўтган “Яшил ҳафта — 2016” озиқ-овқат саноати, боғдорчилик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги халқаро кўргазмасида ўзининг агросаноат салоҳиятини муносиби равишда намойиш этди.

Республикамизга ажратилган 180 квадрат метрик бўлмада сархил мева-сабзавотлар, зираворлар, полиз, ёғ-мой, тўқимачилик саноати маҳсулотлари ва бошқа турли ноз-неъматлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. “Яшил ҳафта — 2016” кўргазмаси кунлари Ўзбекистон бўлмасига минглаб меҳмонлар — бизнес вакиллари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари ташриф буюрди. Айтиш жоизки, мамлакатимиз делегациясининг мазкур кўргазмадаги иштироки самарали бўлди.

Ўзбекистон маҳсулотлари экспорти бўйича қиймати 91,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган шартномаларнинг имзолангани бунга тасдиқлайди. Хусусан, ноз-неъматларни Германия, Бельгия, Финляндия, Чехия, Хорватия, Польша, Латвия, Литва каби мамлакатларга етказиб бериш юзасидан келишувларга эришилди.

“Жаҳон” ахборот агентлиги муҳбири айрим меҳмонлар билан суҳбатда бўлиб, уларнинг таассуротлари билан қизиқди.

(Давоми 2-бетда).



маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, ўз ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини эркин рўёбга чиқариши, жамиятда муносиб ўрнини топишига қулай шароит яратиши керак эди. 1991 йилнинг бошларидаёқ (Эътибор беринг, ҳали мустақиллик эълон қилинмасдан!) Президентимизнинг бевоқиф ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикасида

ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқила бошланди ва у 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинди. Мазкур Қонунни Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг миллий концепцияси ҳамда айнан эртаимиз эгалари манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки ҳуқуқий ҳуж-

жат, дейиш мумкин. Унда ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва тамойилларига эътибор берилган, бундан улар билан боғлиқ ўта принципиал масалалар ўз аксини топган. Иқтидорли ўғил-қизларни рағбатлантириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур ижтимоий хизматлар тизимини яратиш, ёш оилаларга

ижтимоий ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар, шунингдек, ёшлар қатламининг айрим тоифалари (ногиронлар, уй бекалари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ўқувчилар, талабалар, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар)ни ижтимоий муҳофаза қилиш ана шулар жумласидандир.

(Давоми 4-бетда).

Парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллашмоқда

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган конституциявий ислохотлар натижасида давлат ҳокимияти органлари тизимида олий вакилик органи — парламентнинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кучайди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Бугунги кунда парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти билан бирга, депутатлар томонидан амалга оширилаётган назорат-таҳлил ишларининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самардорлигини кўрсатиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Олий Мажлис кўйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ ма-

салари қўмитаси томонидан “Парламент назоратини амалга ошириш самардорлиги: ҳуқуқий асослар ва амалиёт” мавзусида ўтказилган семинарда ана шу ҳақда сўз борди. Илгирликда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 январдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида билдирилган янги конституциявий шароит-

да парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабарининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтариши таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлмоғи зарурлиги тўғрисидаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, айни пайтда мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

ТАНЛОВ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан тижорат банклари ўртасида 2015 йил яқунларида кўра, аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича ташкил этилган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Омонатлар бўйича энг яхши банклар аниқланди

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Марказий банк, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди. Президентимизнинг “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги қарорига биноан, аънаванавий равишда ўтказиб келинаётган ушбу тадбирнинг бу галгисидан 26 та тижорат банки, уларнинг 854 та филиали, 4295 та минибанки

ҳамда махсус кассалари қатнашди. Қайд этилдики, мазкур танлов аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш борабарда, молия муассасаларини рағбатлантириш, уларнинг инвестициявий имкониятларини кенгайтириш учун ресурс базасини мустаҳкамлаш, банклар орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, энг асосийси, илгор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).



Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Кичик бизнеснинг ҳиссаси

● Бухоро

Вилоят марказидаги “Ўзполчарм” масъулияти чекланган жамиятида импорт ўрнини босувчи пойабзаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун 100 миллион сўмлик илгор ускуна ва дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Айни пайтда корхонанинг ўн кишидан иборат жамоаси маҳсулот тайёрлашда маҳаллий хом ашё — табиий теридан фойдаланмоқда. Бу эса пойабзаллар сифатини ошириш имконини берапти. Айтиш жоизки, давлатимиз томонидан ишбилармонларга қулай муҳит яратилаётгани тадбиркорлик равнақиға хизмат қилмоқда. 2015 йилда кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 67,4 фоизга етгани бунинг тасдиғидир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янгиободда янги мажмуа

● Наманган

Тўрақўрғон туманининг “Ёртепа” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янгиобод маҳалласида янги маиший хизмат кўрсатиш мажмуи иш бошлади. Фойдаланилмай турган бино негизда ташкил қилинган мазкур корхонани ишга тушириш учун тадбиркор Эргашали Турсунов 70 миллион сўм сармоя йўналтирди. Натижада бу ердан савдо дўконлари, гўзаллик салони, сартарошхона ва тикувчилик цехи ўрин олди. Меҳнат жамоалари касб-ҳунар коллежларини битирган 12 нафар йигит-қиз ҳисобига шакллантирилди. Касаба уюшма ташкилотлари туман кенгаши тадбиркор ташаббусини қўллаб-қувватлаб, мажмуага сув иситиш қурилмаси, тикув машиналари ҳамда мебеллар тўпламини тўхта қилди.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Коллеж ўқувчилари учун имтиёз

● Самарқанд

Каттақўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда туман прокуратураси эзгу ташаббус билан чиқди. Гап шундаки, ҳудуддаги 12 та коллежга узок масофадан келиб ўқиётган ўғил-қизлар учун 7 йўналиш бўйлаб 18 та автобус қатнови йўлга қўйилди. Қувонарли жиҳати, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Каттақўрғон Миёна”, “Жаҳонгир — Шоҳжаҳон транс” автокорхоналари ҳамда таълим муассасалари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, транспорт воситалари йўл ҳақи ўқувчилар учун имтиёзли, яъни 50 фоиз миқдорда белгиланган. Шунингдек, ўғил-қизлар мазкур автобуслар хизматидан махсус жорий этилган ойлик чипталари орқали фойдаланиши мумкин.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эҳтиёждан ортгани — ташқи бозорга

● Сирдарё

Вилоятда мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган агрофирмалар сони иккитага кўпайди. Улардан бири — “Сирдарё савдо импекс”, иккинчиси эса “Сирдарё узум агро” масъулияти чекланган жамиятларидир. — Агрофирмаимиз ихтиёрида 4 та иссиқхона, умумий сийғими 500 тоннага тенг иккита совуққичли омборхона бор, — дейди “Сирдарё савдо импекс” МЧК раҳбари Ойбек Ғуломов. — Мақсадимиз халқимиз дастурхонини янада файзли бўлишига муносиб ҳисса қўшишдир. Шунингдек, аҳоли эҳтиёжидан ортган неъматларни экспорт ҳам қилмоқчимиз. “Сирдарё узум агро” мутасаддилари эса шу кунларда агрофирмалар ва фермерлар билан узум етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БМТ Бош Ассамблеяси 70-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ҳаётга жорий этилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар юксалгани, шунингдек, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари аҳоли даромадларини ошириб, одамлар турмуш даражаси ва сифатини юксалтиргани маълум қилинган.

Ушбу ҳужжатда хорижлик шериклар иштирокида сармоявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, аграр ва банк жабҳаларидаги тизимли ислохотлар натижалари, кадрлар тайёрлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Материалда Президент Ислам Каримов ўз маърузасида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жи-

ҳатдан узлуксиз янгилан бориш, димий равишда ички имконият ҳамда захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур эканлигига алоҳида тўхталиб ўтгани ҳам ўз ифодасини топган.

Унда "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилинган 2016 йил Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, перинатал ҳамда скрининг марказлари, патронаж хизматларининг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ҳамда сифатини ошириш, оилада соғлом маънавий муҳит яратиши каби масалаларга катта эътибор қаратилишига алоҳида урғу берилган.

Берлинда Ўзбекистон маҳсулотлари экспорти бўйича шартномалар имзоланди

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бавариялик тадбиркор Маттиас Клейнгенц Ўзбекистон, унинг улкан салоҳияти билан яқиндан танишганидан мамнунлигини билдирар экан, юксак дид билан безатилган, республика агросаноат жабҳасидаги имкониятларни ўзида яққол ифода этган мамлакатимиз бўлмаси кўрғазма давомида кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб қилганини айтди.

— Тадбирда мамлакатининг замонавий тараққиёти, унинг эътиборга молик иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти муносиб равишда тақдим этилди, — деди у. — Бўлмаган келганлар серкўёш Ўзбек зами-



бошқа мевалар Германия ва албатта, Бавария супермаркетларида ҳам пайдо бўлади. Ўзбекистоннинг хизмат бундай халқаро тадбирларда иштирок этиши республиканинг маҳсулотларини жаҳон бозорига фол кириб боришига кўмаклашади.

Ўз навбатида, **германиялик бизнесмен Фолькер Шредер** ҳам мамлакатимизнинг гастрономия нуктаи назаридан жозибадорлигини эътироф этар экан, қуйидаги фикрларни билдирди:

— Узумчилик ва шароб ишлаб чиқариш соҳасининг мутахас-



нида етиштирилган ноз-неъматлардан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлиб, уларнинг аҳойиб таъми ва сифатига юқори баҳо беришди. Умид қиламанки, ҳадемай Ўзбекистонда етиштирилган ширин-шаккар полиз маҳсулотлари ва

уларни экспорт қилиш имкониятини кенгайтириш бўйича салмоқли ишларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Тармоқ корхоналарининг Берлиндаги ушбу нуфузли кўрғазмада фаол иштирок этаётгани ҳам фикримни тасдиқлайди. Юртингизда ишлаб чиқарилган шаробларнинг намуналаридан татиб кўриб, улар сифати ва таъми жиҳатидан Европа маҳсулотларидан сира қолишмаслигига амин бўлдим.

Эслатиб ўтамиз, ҳар йили Берлинда бўлиб ўтадиган "Яшил ҳафта" Озиқ-овқат саноати, боғдорчилик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги халқаро кўрғазмаси ҳақда ушбу йўналишдаги энг йирик анжуман ҳисобланади. Ташкилотчиларнинг маълумотларидан қайд этилишича, жорий йил мазкур кўрғазмада дунёнинг 70 дан ортқ мамлакатларидан 2 мингдан зиёд иштирокчилар ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Тадбир қарийб 5 минг нафар журналист томонидан ёритилди.

«Жаҳон» АА.



Парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллашмоқда

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ҳозирги вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан парламент назоратининг бир неча кўринишлари, жумладан, Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш, тегишли давлат идоралари, вазирлик ва қўмиталарнинг ҳисоботларини эшитиш каби шаклларида амалиётда самарали фойдаланилмоқда. 2015 йилнинг 29 декабрида

Президентимиз томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан, парламент, депутат ва сенатор сўрови институтига оид янги нормалар қонунчилик киритилгани эътиборга молик.

Қайд этилганидек, авваллари қонунчилигимизда парламент назоратининг муҳим шакли — парламент сўровига оид масалалар алоҳида белгиланган бўлса-да, айнан Қонунчилик палатаси депутати ҳамда Сенат аъзоси томонидан сўров юбориш ва умуман, палаталар томонидан парламент сўрови-

сусан, у Олий Мажлис палаталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига қирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослан-тирилган тушунтириш бериш ёки нуқ-таи назарини баён этиш талаби билан юборилиши белгиланди.

Парламент сўровини амалга ошириш палаталарнинг бевосита ваколати бўлиб, депутатлар уни қўллашнинг ҳуқуқий механизмлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахс-

ларининг парламент сўровига жавоб йўллаш тартиби ва муддатлари, парламент томонидан муҳокама этиш жараёнида хусусида фикрлашди. Бу борадаги хорижий мамлакатлар парламентлари тажрибаси ҳам қисий таҳлил қилинди.

Семинарда Қонунчилик палатаси депутати сўрови ҳамда сенатор сўровининг парламент сўровига нисбатан ўзига хослиги улар мансуб бўлган палаталарнинг хусусиятлари билан узвий боғлиқлиги, яъни Қонунчилик палатаси депутати сўрови, қанда тарихида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, сенатор сўрови эса, тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан амалга оширилиши белгилангани айтилди. Депутатлар томонидан мазкур ваколатни самарали қўллаш бўйича тақлифлар илгари сурилди.

Йиғилишда сиёсий партиялар фракцияларининг, депутатлар, қўмита хузурида тузилган эксперт гуруҳида фаолият юритаётган назариячи олимлар, мутахассислар парламент назорати институти шакллари амалиётда тўғри ва самарали қўллаш бўйича ўзаро фикр алмашди.

Тадбир якунида қўмитанинг тегишли тақлиф ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

Транспорт тармоғи ривожланаяпти

Иқтисодиётимизни таркибий ўзгариш ва диверсификация қилиш-ни чуқурлаштириш, аҳоли бандлиги ҳамда ҳаёт сифатини оширишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси муҳим омили ҳисобланади. Шу боис юртимизда уни жадал ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилмоқда.

АНЖУМАН

Бунинг самараси автомобиль транспорти тизимида ҳам кузатилиб, аҳолига қулай ва замонавий хизмат турлари кўрсатиб келинаёпти. Сўнгги ўн беш йил мобайнида республикамизда фаолият юритаётган йўловчи ташувчилар сони 4346 тага етгани, уларнинг 997 таси шаҳар, 2792 таси шаҳар

Ташкилданганидек, бундай ижобий натижаларга эришишда автомобиль транспорти бозорида рақобат муҳити яхши-лашиб, барча ташувчига тенг шарт-шароитлар яратиб берилганлиги, мазкур жараёнга лизинг компаниялари ва банк кредитлари фаол жалб қилинаётгани муҳим аҳамият касб этапти.

Шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган бўлса, тўртта мей-

ёрий ҳужжат Адлия вазирлигида, учта ҳужжат эса "Ўзстандарт" агентлигида рўйхатдан ўтказилди.

Бундан ташқари, дарё транспортини ҳисобга олиш, классификациялаш, техник ҳолатини назорат қилиш ва белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтказиш мақсадида 21 корхона билан шартнома тузилгани кема қатновлари мавжуд бўлган сув йўлларини назорат қилиш, понтон ва платформаларни назорат қилиш имконини берди.

Бугунги кунда юртимизда юқларнинг 91,7 фоизи,

йўловчиларнинг эса салкам 98 фоизи автотранспорт воситалари орқали ташилмоқда. Хизмат кўрсатувчи корхоналар парклари изчил янгиланаётгани эса уларни ўз вақтида манзилга етказишда кўл келаётди.

Анжуманда агентлик мутасаддилари лицензиялаш, аттестациядан ўтказиш, тендерни ташкил этиш ва электрон ҳужжат алмашиш тизими ҳақидаги саволларга атрофлича жавоб беришди.

Д. ЖУМАБОВЕВ.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бугунги кунда ҳисобварақларга қўйиладиган маблағлар барча турдаги солиқлардан озод этилган, уларнинг манбалари декларация қилинмайди, омонатчилар ўз маблағларини чекловларсиз тасаруф этиш имкониятига эгалар, шунингдек, омонатлар миқдоридан қатъи назар, улар тўла ҳақмида қўлланиши кафолатланган. Бу ўз навбатида, молия муассасалари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, хизматлар сифати яхши-лашиб, аҳолининг уларга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланишига хизмат қилаётди. Айни пайтда тижорат банклари миллий ҳамда чет эл валютасида чекланмаган миқдор ва муддатларда 250 дан ортқ омонат турини аҳолига тақдир этаётгани, охириги беш йилда депозитга қўйилган маблағлар миқдори 3,6 мартабага, 2015 йилда эса 28 фоиз ошгани шундан далолат беради.

бошқармаси, "Асака" банкнинг Сурхондарё вилояти филиали, "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкнинг Фарғона филиали эътироф этилди.

"Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали" сифатида эса акциядорлик тижорат "Алоқабанк"нинг Навоий филиали, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижор-

"Халқобод", "Қишлоқ қурилиш банк"нинг "Туртқул" минибанки совиндорлар қаторидан жой олди.

"Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/маҳсус кассаси" ҳамда "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/маҳсус кассаси" йўналишларида ҳам энг муносиблар аниқланди. Яъни "Ипотека-банк"нинг Қашқадарё филиалига қарашли саккизинчи, "Универсал-банк"нинг Тошкент шаҳар филиалига қарашли биринчи, "Туркистон банк"нинг Юнусобод филиалига қарашли биринчи, "Инвест-финанс банк"нинг Зангиота филиалига қарашли биринчи, "Ипотека-банк"нинг Шаҳрисабз филиалига қарашли биринчи, Халқ банкнинг Олтинсой филиалига қарашли биринчи сонли жамғарма кассалар ана шундай номга сазовор бўлди.

Тадбирда, шунингдек, "Миллий валютадаги энг яхши муддатли депозит", "Хорижий валютадаги энг яхши муддатли депозит", "Омонатларни жалб этиш бўйича банк факрийси", "Хорижий валютадаги энг яхши жамғарма депозити", "Энг яхши пластик қарточкалар эмитенти бўлган банк", "Аҳоли учун энг яхши инновация маҳсулот" сингари қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар эълон қилинди.

Танлов ғолибларига маҳсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Танлов натижаларига биноан, ғолиблар саккизта асосий ва ўн бита қўшимча номинация бўйича аниқланди. Шундай қилиб, "Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали" номинациясида Ташкилоти фаолият миллий банки биринчи ўринга лойиқ топилган бўлса, "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банк иккинчи, "Асака" акциядорлик тижорат банки учинчи ўринни эгаллади.

"Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали" йўналишида эса "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банкнинг Амалиёт

Омонатлар бўйича энг яхши банклар аниқланди

рат банкнинг Когон филиали, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг Оқтош филиали, "Пластик қарточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали" номинациясида "Микрокредитбанк"нинг Косонсой филиали, "Трастбанк"нинг Амалиёт бўлими, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қашқадарё вилояти минтақавий филиали мос равишда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга лойиқ кўрилди.

Шунингдек, "Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки" номинациясида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг "Фарғона", "Капиталбанк"нинг Аҳмад Дониш, "Хамкорбанк"нинг "Истиқбол" минибанки ғолиб бўлган бўлса, "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки" йўналишида "Микрокредитбанк"нинг "Муротали", Халқ банкнинг

Қисқа сатрларда

● Самарқанд туманида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги томонидан Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида амалга оширилаётган "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич" лойиҳаси доирасида Глобал экологик жамғарманинг "Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва қишлоқ хўжалигини барқарорлаштириш" грант лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга бағишланган ҳудудий ўқув-семинар бўлиб ўтди.

● Термиз давлат университетида Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида "Ёш олимлар конференцияси — 2016" республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

● Тошкент ислом университетида олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари, маънавият ва маърифат бўлими раҳбарлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази томонидан Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги ва Захриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 533 йиллиги муносабати билан февраль ойи умумтаълим мактабларида "Навоийхонлик" ва "Бобурхонлик" олимпиади деб эълон қилинди.

● Наманганда "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, жамият мустаҳкам бўлади" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Улуғ неъмат

Ўтган йили Ўзбекистон БМТ ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида ўтказилган "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган тадқиқот якунига кўра, 44-ўринни эгаллаганидан барчамиз хабардоримиз. Ваҳоланки, 2013 йилда мазкур рейтингда 60-погонани банд этганимизни ҳисобга олсак, қисқа даврда юртимизда салмоқли ютуқлар қўлга киритилгани, халқимиз ҳаёт даражаси тобора яхшилангани бораётгани кўнгилмизда гурур ва ифтихор уйғотди.

ДИЛ СЎЗИ

Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси билан танишиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Дарҳақиқат, тинч-осойишта юрда фаровон ҳаёт кечирish — катта саодат. Муҳими, инсон манфаатлари йўлидаги изчил

ислохотлар республикамиздаги ҳар бир оила, ҳар бир хонадонни қамраб олаётди. Хусусан, тадбиркорлик ривожини, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг жадал раванқи тўғрисида турмушимиз фойдага тўлаётди.

Қаранг, биргина Бухоро вилоятида ўтган йили хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида 650 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Кўрсатилган хизматлар ҳажми эса воҳа аҳолиси жон бошига ҳисобланганда,

2 миллион 689 минг сўмдан ошмоқда. Бу юртимизда тадбиркорлар учун яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, соҳа вакилларига берилаётган имтиёزلар самарасидир.

Биз ҳам шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз бизнесимизни йўлга қўйганимиз. Оилавий корхонамизда тикувчилик цехи, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, "Гўзаллик салони" фаолият кўрсатаёпти. Истиқболли лойиҳамиз молия муассасаси томонидан қўллаб-қувватлангани мақсадаларимиз рўйибага кенг йўл очди. Бизга ҳавас қилиб, бир гуруҳ ёшлар ҳам тадбиркорлик этагидан туғди. Улардан ўз маслаҳат ва кўмагимизни аямаямпиз.

Мана, иш бошлаганимизга икки йилдан ошди. Эндликда фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамыз. Шу мақсадда касб-хунар коллежлари битирув-

чиларидан бир гуруҳини "Устоз — шогирд" аънаъаси асосида ишга қабул қилдик.

Қисқа қилиб айтганда, Юртбошимизнинг юқоридаги маърузасини телевизор орқали тинглаб, мақсадимиз янада катъийлашди. Зотан, бугунги замон шиддати юксак. Тараққиёт суръатлари йилдан-йилга ўсиб бораётди. Муҳими, давлатимиз биз, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш чораларини кўраётди. Албатта, бундай шароитда, дориламон кунларда ғайрат-шижоат, ташаббус, фидойилик кўрсатиш ишлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шундан келиб чиқиб, келгусида аҳолига хизмат кўрсатиш қамровини кенгайтириш, ёшлар учун янги иш ўринлари барпо этиш орқали мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўишини устувор вазифа сифатида белгилаб олдик.

Зебо ОСТОИНОВА,
Ромитан туманидаги
«Зебунис Юлдузон»
ойнавий корхонаси раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 2 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2006,23	1 Украина гривнаси	111,01
1 Англия фунт стерлинги	4045,65	1 Малайзия рингити	683,58
1 Дания кронаси	412,42	1 Польша злотийси	695,72
1 БАА дирҳами	772,38	1 СДР	3916,29
1 АҚШ доллари	2836,87	1 Туркия лираси	958,72
1 Миср фунти	362,31	1 Швейцария франки	2777,43
1 Исландия кронаси	21,77	1 евро	3093,16
1 Канада доллари	2026,19	10 Жапунбий	
1 Хитой юани	431,22	Корея вони	23,62
1 Россия рубли	37,74	10 Япония иенаси	234,03

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда тилиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ИЗЛАНИШ

Боёвут туманидаги “Тош бетон қурилиш импекс” масъулияти чекланган жамиятида замонавий томёпқич материаллари ишлаб чиқариш ҳажми икки ярим баробар кўпайди.

Икки ярим баробар ўсиш

Хозирги пайтда корхона маҳсулотлари кўп қаватли иморатлар ҳамда намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилишига етказиб берилмоқда. Ўтган йили бу ерда 3,5 мингта ана шундай темир-бетон конструкцияси тайёрланди. Шунингдек, айни вақтда корхонанинг пойдевор блоклари, ирригация-мелиорация тармоқлари учун мўлжалланган қувурларига ҳам талаб ортиб бормоқда.

— Жорий йилда томёпқичлар тайёрланадиган иккинчи технологик линияни ишга туширишни мўлжаллаяпмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Неъмат Ҳазратов. — Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 350 миллион сўм йўналтирилди. Натижада маҳсулот ҳажми кўпайиши баробарида, янги иш ўринлари вужудга келади.

Ш. НАЗАРОВ.

ЭЪЛОНЛАР

Барча манфаатдор давлат бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотлар диққати!

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги № ҲРҚ-213-сонли Қонунининг 19-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрдаги «2020 йил даврига қадар миллий сифат инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги № 298-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгаши томонидан

«Техник воситаларнинг электромагнит мослашуви тўғрисида» ва «Телекоммуникация ускуналарининг хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентлари ишлаб чиқилаётганини маълум қиламиз.

Техник регламентлар лойиҳалари матни билан қуйидаги манзилларда танишиш мумкин:
http://unicom.uz/uz/projects/tech-reglament_uz/telecom.html
http://unicom.uz/uz/projects/tech-reglament_uz/ems_uz.html

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:
100202, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 7-«А» уй. Электрон почта манзили: info@unicom.uz

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 18 сентябрдаги ЖСХ 2-289/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлик тумани, «Хумсон» ҚФЙ, Қизил чорва қишлоғи, Дулат кўчасида жойлашган, ер майдони 1726,0 кв.м., қурилиш ости майдони 231,0 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 4 та хонадан иборат 2-«А» уй қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 590 077 015 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 7 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат

10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 4 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТВ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (0-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия RR-0001.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 9 март куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Кува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 28 сентябрдаги 15-1507/21901-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 78 — 80-уйларда жойлашган, қурилиш ости майдони 747,31 кв.м., фойдаланиш майдони 1532,17 кв.м. бўлган, 0001-литердаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 044 718 539 сўм.
Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 7 март куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2016 йил 23 февраль куни соат 14.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

1. Фуракат тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 16 декабрдаги 15-13-07/25223-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фуракат тумани, «Гунча» ҚФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 1393,64 кв.м., фойдаланиш майдони 1284,37 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги бино-ишоотлар.

Бошланғич баҳоси — 88 855 871 сўм.

2. Кува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 5 июлдаги 15-12-06/21673-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кува тумани, «Намуна» ҚФЙ, Турк қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 2223,01 кв.м., фойдаланиш майдони 212,18 кв.м. бўлган, 0002-0012-литерлардаги 2-трактор гаражи бино-ишоотларининг бир қисми.

Бошланғич баҳоси — 84 677 402 сўм.
Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 19 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалининг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 58-уй, 1-қават.
Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

* 2015 йил 26 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Рақат кўчаси, 39-уйда жойлашган, ер майдони 976,0 кв.м., умумий майдони 913,48 кв.м., тураржой майдони 526,23 кв.м. бўлган, 13 та хонали, 2 қаватли, мансарда ва ертўладан иборат уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 3 743 429 258 сўм.
* 2015 йил 26 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ат-Термизий 1-тор (собик А. Қодиров) кўчаси, 42-уйда жойлашган, ер майдони 306,0 кв.м., умумий майдони 178,43 кв.м., тураржой майдони 109,13 кв.м. бўлган, 6 та хонали, 2 қаватли, ертўладан иборат уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 816 169 980 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 17 февраль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

2. Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан 2015 йил 14 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов номидаги ҚФЙ, Исоқов кўчасида жойлашган, ер майдони

144,50 кв.м., қурилиш ости майдони 226,2 кв.м.дан иборат бўлган тураржой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 18 750 000 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 3 март куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 17 февраль куни ўтказиладиган савдога — 2016 йил 15 февраль куни соат 16.00, 2016 йил 3 март куни ўтказиладиган савдога — 2016 йил 1 март куни соат 16.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТВ «Ипак йўли» банки Миробод филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

O'ZSANOATQURILISHBANK
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
томонидан стратегик инвесторларга таклиф

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ балансида қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

«Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.
«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
Корхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.
«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

Кўшимча маълумот олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ расмий веб-сайти (www.uzpsb.uz / bank balansidagi korxonalar) ёки Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ночор корхоналар билан ишлаш бўшқармасига мурожаат этиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (0-371) 120-36-04, (+99890) 969-79-97, (+99891) 132-10-18. Факс: (0-371) 120-45-64.
E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz

O'ZSANOATQURILISHBANK
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
банк биносида манзилли онлайн режимда ишловчи қўриқлаш, ёнғиндан хабар бериш воситалари (КЕХБВ) ва таъшишдан оғоҳ қилувчи, хавфсизлик талаблари асосида махсус ўт ўчириш (газли) ҳамда фавқулодда вазиятларда кучли овоз бериш (оповещение) техника воситалари ўрнатиш бўйича лойиҳасмета хужжатларини ишлаб чиқувчи, махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:
Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.
Тел./факс: (0-371) 120-45-72.
Ички телефон: 1415.

Тижорат таклифлари мазкур эълон чоп этилган сандан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.
Хизматлар лицензияланган.

«Universal Realtor» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 16 августдаги ЖСХ-1-380/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Улуғбек 4-тор кўчасида жойлашган, умумий майдони 215 кв.м. бўлган 2-уй.

Бошланғич баҳоси — 197 384 268 сўм.

- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 16 августдаги ЖСХ-1-380/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Улуғбек 4-тор кўчасида жойлашган, умумий майдони 392 кв.м. бўлган 5-уй.

Бошланғич баҳоси — 490 443 372 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 3 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 2 март куни соат 10.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан зақалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнра объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal Realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Кўшимча маълумот учун манзил: «Universal Realtor» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55.
www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru

«NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 19 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

- № 10145/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 4804 АУ бўлган техник носоз тиркама.

Бошланғич баҳоси — 19 080 899 сўм.
* № 8068/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Z 358 DA бўлган техник носоз «Nexia DONC 1.6» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 20 043 170 сўм.
* № 12/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 029 КАА бўлган техник носоз «Matiz» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 19 080 899 сўм.
Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар хар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New Trans Alliance» МЧЖнинг «Asia alliance bank» АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефон: (+99895) 504-99-85.
Гувоҳнома № 004593.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА
2015 йилда дунёда энг кўп автомобиль сотилган давлатлар номи эълон қилинди.

Рейтинг эълон қилинди

Унга кўра, бу борада Хитой етакчилиги эгаллаган. Ушбу мамлакатда қарийб 25 миллионта машина харид қилинган. Иккинчи ўринда АҚШ (17,5 миллион), учинчи ўринда эса Япония (5 миллионта) қайд этилган. Энг яхши савдо кўрсаткичларига эга давлатлар рўйхатидан, шунингдек, Германия, Ҳиндистон, Буюк Британия, Бразилия, Франция, Жанубий Корея, Италия жой олди.

Умуман, ўтган йили жаҳон бўйича миқозларга 90 миллионта автомобиль етказиб берилган.

Акциялари нархи қимматлашди

«Фейсбук» ижтимоий тармоғи ўтган йилнинг охириги чорагини қутилганидан яхшироқ молиявий натижа билан яқунлади.

Манбада айтилишича, унинг соф фойдаси икки баробардан зиёдроқ ўсиб, 1,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бу борада жами йиллик кўрсаткичи эса 3,7 миллиард доллар атрофида бўлган.

Ушбу ҳисобот расман эълон қилинганидан сўнг, «Уолл-Стрит» биржасида «Фейсбук» акциялари нархи 7 фоизга қимматлашди.

Асосий ҳомийдан айрилиши мумкин

Германиянинг спорт буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Adidas» компанияси Халқаро энгил атлетика федерациясига ҳомийлик қилишдан бош тортди, дейилади «Евроњьюс» телеканали хабарига.



Бунга асосий сабаб сифатида айрим атлетлар билан боғлиқ допинг машамалари

юзага келгани кўрсатилмоқда. Айтиш жоизки, ушбу ҳолат туфайли спорт уюшмаси миллионлаб доллар маблағдан айрилади.

«Adidas» 2008 йилда тузилган 11 йиллик шартномага мувофиқ, Халқаро энгил атлетика федерациясининг расмий ҳомийси ва лицензияланган маҳсулотлар етказиб берувчиси саналарди.

Соатсозлик буюмлари тақдимоти

Франциянинг «Cartier» заргарлик уйи Халқаро соатсозлик санъати кўргазмасида янги маҳсулотларини намойиш этди.

Унинг қимматбаҳо соатлари орасида нафақат кўлга тақиладиган, балки стол устига қўйиладиган, деворга осиладигани ҳам бор. Айниқса, асир тасвири туширилган, жавоҳир ва бошқа ноёб тошлардан ишлов берилган маҳсулотлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотапти.

Энг илиқ йил

Ўтган йил метеокузатувлар тарихидаги энг илиқ йил, деб топилди. Мутахассисларнинг фикрича, бу атмосферага ис газлари чиқарилиши оқибатидир.



Чунки бундай зарарли ташламалар хароратнинг

ортиши, музликларнинг эриши ҳамда океанлар сатҳининг кўтарилишига олиб келмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон метеорология ташкилоти хаво харорати Цельсий бўйича тахминан 1 даражага юқорилаганини тасдиқлади.

Хориж матбуоти хабарлари асирда тайёрланди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур Қонунда илк бор ёшлар ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда келажакимиз ворисларининг бевосита иштироки асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилди. Энг муҳим жиҳати, юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг субъектлари сифатида нафақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, балки нодавлат тузилмалари биргаликда фаолият олиб бориши белгилаб қўйилди.

Ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган сиёсатнинг асосий моҳияти, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Асосий Қонунимиз қабул қилинган куннинг эртасига — 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилди.

Истиқлол йилларида ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол вояга етиши учун мустақкам қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, 22 та қонун, Президентимизнинг 26 та Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 қарори, 30 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил таътиқ этилмоқда.

Бундан ташқари, йилларга ном беришда ҳам ёшларнинг манфаатлари алоҳида эътиборга олинаётган. Хусусан, 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили", 2008 йил "Ёшлар йили", 2010 йил "Баркамол авлод йили", 2014 йил "Соғлом бола йили", 2016 йил "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилиниб, яхлит чоратadbирлар дастурлари амалга ошириляётгани фикримиз тасдиқидир.

Ўзбекистон халқининг бош мақсадига айланган ҳеч қандай кам бўлмайдиган баркамол авлодни вояга етказиш орасиди рўёбга чиқариш мақсадига мустақилликнинг илк кунларида ноқ юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга устувор аҳамият қаратилди. 1997 йилда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида бир йўла иккита муҳим ҳужжат: "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Ушундан кейин "Юртимизнинг вақти келиб мазкур дастур ижобий маънодаги "портлаш эффекти"га сабаб бўлади", дея билдирган ишон-

ушбу улкан сармоя ҳисобига юртимизда ҳар йили юзлаб таълим муассасалари — мактаб, коллеж ва лицейлар, олий ўқув yurtлари қайта таъмирланиб, замонавий моддий-техника базасига эга бўляпти.

Куч — билим ва тафаккурда

Республикамизда интеллектуал ривожланган авлодни вояга етказиш учун барча шароит яратилган. Хўш, бундай юксак эътиборга ёшларнинг жавоби қандай? Буни мустақиллик

шароитида ҳам мактаб ва коллежлар қурилиши изчил ҳаром эттирилган, албатта, ҳар биримизда чексиз фахр ва ифтихор туйғусини уйғотди.

Олий таълимда эришилган натижалар ҳам оз эмас. Истиқлол даврида юртимизда олий таълим муассасалари сони 2 баробарга кўпайиб, бугунги кунда 80 тани ташкил этмоқда. Уларнинг еттитаси нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиалларидир. Қолаверса, ёшларимизнинг минглаб иқтидорли вакиллари Жанубий Корея, Япония, Германия, Хитой, Буюк Бри-

га қараганда 1,5 баробар кўпдир. Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш ҳаракатининг асосий ташаббускори бўлган давлатимиз раҳбари гоёси асосида ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида 2000 йилдан бошлаб дунёда ўхшаши бўлмаган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақаларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Юртбошимизнинг "Маррани ҳаммиса баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!" деган даъва-

ри ва меҳнат жамоаларида ташкил этилган 15 минг 600 дан ортиқ бошланғич ташкилот мавжуд.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ёшларнинг фаол иштирокини кучайтириш, мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётини позицияси ва мустақкам эътиқодга эга бўлган авлодни тарбиялаш, ёшлар ўртасида тadbиркорликни ривожлантириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, иқтидор сохибларини қўллаб-қув-



фестиваллари, "Юрт келажги" иқтидорли ёшлар танлови, "Камалак юдюзлари" болалар ижодиёти фестивали, "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" шиори остидаги саломатлик ҳаракати, "Kamolot-TUR" ёшлар веломарафони, бадий гимнастика бўйича "Камолот" гунчалари, "Камолот" шахмат тахтаси" очиқ турнирлари каби тadbирлар доирасида йигит-қизларнинг истеъдодини кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ёшлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган лойиҳалардан бири "Камолот" кутубхонаси"дир. Уларда китобхонлик маданиятини янада оширишга қаратилган мазкур лойиҳа доирасида ўзбек ва жаҳон адабиётининг 100 та энг сара намунаси Ҳаракат томонидан чоп этиляпти. Бу асарлар ҳар бир ҳудудда ташкил этилган "Камолот" китоб дўконлари орқали ўқувчилар қўлига етиб бормоқда. Жорий йилда ушбу сара асарлар асосида онлайн викториналарнинг ўтказилиши учун лойиҳанинг янада оммалашшига хизмат қилади.

Буюк аждодларнинг муносиб ворислари

Буюк келажак сари дадил одимлаётган жамиятдаги ислохотлар ва янгиланишлар юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ғайратли, фаол аҳоли қатламига таянади. Туб янгиланишлар жараёнида бошдан кечираётган мамлакатимизда ана шундай муҳим вазифани, ижтимоий воқеалик қадриятга айланганини ва Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда дунёга ибрат бўладиган тажриба тўплаганини халқаро ҳамжамият кўриб, кузатиб турибди.

Президентимиз 2014 йилда Самарқандда бўлиб ўтган "Урта Асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" мавзудаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида "Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: "Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, гурурланишимиз керак", деб айтаман. Айни вақтда "Фақат гурурланишимиз ўзи етарли эмас, келинглари, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!" деб такрорлайман", дея таъкидлаган эди. Ана шу эзгу давлат Ўзбекистонимиздаги миллионлаб ёшларнинг доимо юксак марралар сари дадил қадам ташлашга ундайди. Уларда юрт равнақида дахлдорлик туйғуларини янада кучайтиради. Бу, ўз навбатида, мустақил Ватанимизни ҳар томонлама энг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Баҳодир ҒАНИЕВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Маркази кенгаши раиси.

фарзандлари нуфузли халқаро мусобақаларда кетма-кет эришяётган муваффақиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина мисол: охири уч йил мобайнида улар халқаро фан олимпиадаларида 110 та медални қўлга киритди. Совриндор бўлган ёшларнинг 44 нафари қизлар экани янада қувонарлидир. Ваҳолонки, мустақилликнинг дастлабки йилларида дунёдаги нуфузли фан беллашувларида мамлакатимиздан бирорта ҳам ўқувчи иштирок этмаган.

Ўзбекистон ёшлари маданият ва санъат соҳасида ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритиб, ўзининг кимлиги ҳамда қандай буюк зотларнинг авлоди эканини намоён этаётганини фахр билан тилга оламиз. Агар мустақилликка қадам халқаро ижодий танловларда ҳар йили ёшларнинг бор-йўғи 3-4 нафар вакили қатнашган бўлса, охири уч йилнинг ўзида Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Голландия, Польша каби давлатларда ўтказилган танлов ва фестивалларда 530 нафар истеъдодли фарзандларимиз (уларнинг 240 нафарга яқини қиз болалар) совриндор бўлиб қайтди. Бу эса янгитдан яратилган мусиқа ва санъат таълими тизими ҳамда уни тақомиллаштиришга қаратилган дастурлар ўз мевасини бераётганидан далоятдир.

Мамлакатимизда тубдан ислоҳ этилган таълим тизимининг энг катта ва аҳамиятли ютуғи ҳар бир болага 12 йиллик



тания, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим оляпти, бу эса уларнинг билим ҳамда малакасини оширишда кенг имкониятлар очиб бераётди.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида республикамизда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўррак нишони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий номидаги қатор давлат стипендияларининг таъсис этилиши "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган эзгу гоёнинг ҳаётини рўёбини таъминлади. Бугун бу шир ёшларимизни мазкур эзгу ташаббуснинг тарафдорига эмас, балки фаол иштирокчилари бўлишга ундаётди.

Шижоати юксак, аҳди қатъий

Болалар спортини юртимизда узуксиз таълим тизимининг ажралмас қисмига айланди. Урни келганда, ёшлар орасида спортни оммалаштириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Соҳага эътибор ҳам шунга яраша. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буюн 1 700 дан зиёд (мингдан ортиғи кишлоқ жойларда) янги спорт иншооти барпо этилди. Бунинг самараси ўларок, ҳозир юртимизда 2 миллион нафардан ортиқ ёшлар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланыпти. Мазкур кўрсаткич 2003 йилдаги-

тидан куч оляётган ёшларимиз "кичик Олимпиада"лар туфайли спорт майдонларида ҳавас қилса аризулик натижага эришишяпти. 2012 — 2015 йилларда салкам 2 минг нафар ёш спортчи нуфузли халқаро турнирларда Ватанимиз шашини муносиб ҳимоя қилгани ортиқча изоҳга ўрин қолдирмайди.

Изланиш, ташаббус ва рағбат

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-таadbирлар тўғрисида"ги қарори эртамаиз эгаларининг жамиятда ўз ўрнини топишда навабтдан муҳим қадам бўлди. Айтиш керакки, давлат аҳамиятидаги бундай дастурларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тажрибасининг ўзига хослиги мазкур жараёнда давлат ва нодавлат ташаббуслари ўз ижтимоий ташаббуси ва лойиҳалари орқали фаол иштирок этиши, яъни ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилишидadir.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда мамлакатимизда ёшлар масаласи билан шуғулланувчи энг йирик нодавлат нотижорат ташкилоти — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўз ўрни бор.

Ҳозирги кунда Ҳаракат ўз аърофида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 4 миллиондан ортиқ йигит-қизни бирлаштирган. Ташкилот тизимида "Камалак" болалар ташкилоти (10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 2 миллион нафарга яқин аъзоси бор), шунингдек, таълим муассасала-

ватлаш, спортни ривожлантириш ва ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби муҳим йўналишларда фаолият олиб бормоқда. Санаб ўтилган ушбу барча йўналишни жамлаб, ёшларга оид давлат сиёсатининг яхлит концепцияси келиб чиқади.

Ҳаракат бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий шерикликда ёшлар учун юзлаб керакли ҳамда қизиқарли лойиҳаларни амалга ошириб келаётди. Келинг, улардан айримларига тўхталиб ўтсак.

Охири беш йил мобайнида Ҳаракатнинг биргина ижтимоий-ҳуқуқий соҳадаги лойиҳалари салмоғи 5, иштирокчилари сони 8, ижтимоий ҳамкорлари сони эса 2 баробарга кўпайди. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги "Хуқуқ билимдонлари", лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасидаги "Сиз қонунни биласизми" ҳамда талабаларнинг "Тафаккур синовлари" республика кўрик-танловлари доирасида бугунги Ўзбекистон ёшлари мамлакатни демократик янгилаш, қолаверса, ўз ҳаётига дахлдор қонун лойиҳалари муҳокамасида бевосита иштирок этиб, фикр ва мулоҳазаларини билдириши имкониятига эга эканликларини амалда намоён этишмоқда.

Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат, парламентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шу кунгача ёшлар 10 га яқин қонун лойиҳаси муҳокамасига фаол жалб этилиб, улардан қарийб 500



Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

чи бугун ўзини тўла оқламоқда. Айни пайтда таълим соҳасига йўналтириляётган йиллик харажатлар ялли ички махсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётди. Бинобарин, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич ўртача 6-7 фоизга тенг. Яна бир таъкид шунки, Ўзбекистон давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирадиган дунёдаги санокли мамлакатлар сирасига қиради. Асосийси,

бепул умумий таълим олиш ҳуқуқининг давлат томонидан кафолатланиши бўлди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида отаналар фарзандларининг таълим-тарбияси учун оила бюджетидан катта миқдорда маблағ сарфлашга мажбур бўляётган бир пайтда, юртимизда 9+3 схемаси бўйича бепул таълим тизими жорий этилгани, хатто молиявий-иқтисодий инкироз

Теннисчимиз — совриндор

Австралиянинг Мельбурн шаҳрида ниҳоясига етган "Катта дубулга" туркумига кирувчи мамлакат очиқ чемпионатида ўзбекистонлик ёш истеъдодли ракетка устаси Жўрабек Қаримов муносиб иштирок этди. У нуфузли турнирнинг ўсириллар ўртасидаги мусобақасида финалгача етиб борди.

СПОРТ

Бунинг учун ярим финалда мезбон спортчи Алекс Де Минаурани уч сет давомида мағлубиятга учратди — 3:6, 6:4, 6:3.

Жўрабек ҳал қилувчи баҳсда яна бир австралиялик теннисчи Оливер Андерсонга қарши қорғта тушиб, 2:6, 6:1, 1:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Вақилимиз ўтган йили мазкур чемпионатнинг ярим финалига қадрар етиб борганди.

Санджон МАХСУМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 23 ЯНВАРДАН 29 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Кимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2015 йил 29 декабрдаги 2015-23-сон «Кимматли қозғалар билан бирҳаддан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-5 (2016 йил 1 февралдан қучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 11 январдаги 110, 01/03-26/29-сон «Корпоратив бошқаруви малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2755 (2016 йил 1 февралдан қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2016 йил 15 январдаги 2-Б-сон «Изоляцияли электр материаллар, шу жумладан, электр сопол материаллари ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2756 (2016 йил 1 февралдан қучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Миллий хавфсиз-

лик хизмати, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 13 январдаги 1, 4, 2-ққ, 1, 2016-02, 01-02/20-1-сон «Қўзғатилган жиноят ишлари бўйича тadbиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда адвокатларнинг мажбурий иштирокини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2757 (2016 йил 1 февралдан қучга кирди).

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси ўқини заллари хизмати раҳбари Одина Хамидова отаси Қарим ҲАМИДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 447 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6